

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
6 СОН, 3 ЖИЛД**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА  
НОМЕР 6, ВЫПУСК 3**

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART  
VOLUME 6, ISSUE 3**



**Бош муҳаррир:**

**Холбеков Муҳаммаджон**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Тўхтасинов Илхом**

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

**Тахрир хайъати:**

**Назаров Бахтиёр**

академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўгли**

ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Бокиева Гуландом**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**

ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматкул**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**

к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Жеймс Форд**

Мичиган университети (АҚШ)

**Умархўжаев Мухтор**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабоев Ҳамидулла**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шукашвили Тамар**

ф.ф.д. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

**Главный редактор:**

**Холбеков Муҳаммаджон**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Заместитель главного редактора:**

**Тухтасинов Илхом**

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

**Редакционная коллегия:**

**Назаров Бахтиёр**

академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умар оглы**

д.ф.н., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бакиева Гуландом**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**

д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**

д.ф.н., профессор (Россия)

**Джураев Маматкул**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**

к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Джеймс Форд**

Университет Мичигана (США)

**Умархаджаев Мухтар**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Балтабоев Ҳамидулла**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Шукашвили Тамар**

д.ф.н. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

**Editor in Chief:**

**Kholbekov Muhammadjan**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**

**Tuhtasinov Ilhom**

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

**Editorial Board:**

**Bakhtiyor Nazarov**

academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umarogli**

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**

University of Michigan (USA)

**Umarkhodjaev Mukhtar**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammedov Khurshid**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Shukashvili Tamar**

Doc. of philol. sci. (Georgia)

**Yusupov Oybek**

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

## Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

|  |    |
|--|----|
| <b>1. Абдуллаева Ровияжон</b><br>НАВОИЙ ВА ГЁТЕ: ҲАЁТИЙ МУШТАРАК НУҚТАЛАР.....   | 5  |
| <b>2. Атамуродова Феруза</b><br>ЖЕЙМС ЖОЙС ВА ЖОН ГОЛСУОРСИ АСАРЛАРИДА ХАРАКТЕР МАСАЛАСИ.....                                      | 14 |
| <b>3. Ахмедова Шоира</b><br>ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ПОРТРЕТНАВИСЛИК ТАРАҚҚИЁТИ.....                                    | 21 |
| <b>4. Норкулова Шаҳноза</b><br>АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЗАЛЛАРИДА КЎЗ ТИМСОЛИ.....  | 29 |
| <b>5. Турсунова Наргиза</b><br>АЛЬБЕР КАМЮНИНГ «АТИПИК» РОМАНИ.....  | 34 |
| <b>6. Holbekov Mukhammadjon</b><br>PERCEPTION AND INTERPRETATION OF CREATIVITY OF<br>ALISHER NAVOI IN FRENCH ORIENTAL STUDIES..... | 40 |
| <b>7. Холиков Баходир</b><br>ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ МУАММОЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИДА ЁЗУВЧИ ИНДИВИДУАЛЛИГИ.....                             | 51 |
| <b>8. Сайымбетов Шарафатдин</b><br>XX ЭСИР ЕКИНШИ ЯРЫМЫ ҚАРАҚАЛПАҚ ПОЭМАЛАРЫНДА<br>ТРОПЛАРДЫҢ ҚОЛЛАНЫЛЫҢ ЎЗГЕШЕЛИКЛЕРИ.....        | 57 |
| <b>9. Эрназарова Гулноза</b><br>ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ МЕДИАТИВ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ.....  | 63 |

## Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

|   |     |
|---|-----|
| <b>10. Абдурахимова Феруза Бохадировна</b><br>БАЪЗИ СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ХУСУСИДА.....                                | 68  |
| <b>11. Абузалова Меҳринисо, Аҳмадова Умидахон</b><br>ПЕРИФРАЗЛАР ВА УНГА ЁНДОШ ҲОДИСАЛАР ХУСУСИДА.....  | 76  |
| <b>12. Анарбаев Орзубек</b><br>ИНГЛИЗ ТИЛИДА НЕОЛОГИЗМЛАР ҲОСИЛ БЎЛИШИДА<br>КЎШМА СЎЗЛАР САМАРАДОРЛИГИГА ДОИР.....                            | 82  |
| <b>13. Ахмедова Гулноза</b><br>ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҚОЛИП-ГАПЛАРНИ ҚИЁСЛАБ ЎРГАНИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....  | 88  |
| <b>14. Зоиров Алишер</b><br>НЕМИС ТИЛИДА ТАКСИС-ЗАМОН ИФОДАСИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА МУҚОБИЛЛАРИ.....  | 98  |
| <b>15. Кошева Дилрабо</b><br>ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ НУТҚ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ.....   | 106 |
| <b>16. Маматова Феруза</b><br>ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ТАЪРИФИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....   | 116 |
| <b>17. Очилова Меҳринисо</b><br>ЭЛЕКТРОН ЛУҒАТ – ЛЕКСИКОГРАФИЯ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МАҲСУЛИ.....   | 124 |
| <b>18. Рисаева Оксана</b><br>АСПЕКТУАЛЬНЫЕ СИТУАЦИИ С УЧАСТИЕМ СОЧЕТАНИЙ<br>С ФУНКЦИОНАЛЬНЫМ ГЛАГОЛОМ GEBEN В СОВРЕМЕННОМ НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ..... | 131 |

|   |     |
|---|-----|
| <b>19. Хамидов Лутфулло</b><br>БАНК ФАОЛИЯТИГА ОИД МАТНЛАРНИНГ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....   | 136 |
| <b>20. Хасанова Гулрух</b><br>ДИАЛОГИК НУТҚ ШАКЛЛАРИ ҲУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....  | 145 |
| <b>21. Якубова Ноира</b><br>ТУРИЗМГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ<br>СЎЗ БИРЛИКЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ..... | 152 |
| <b>22. Яхъяева Наврўза, Урунов Бекзод</b><br>МЕДИАМАТН – АХБОРОТНИНГ СИФАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ВОСИТА.....                            | 158 |

### **Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies**

|   |     |
|---|-----|
| <b>23. Мухамедов Азизбек</b><br>ЕВРОПА ВА ЎЗБЕК ТАРЖИМАШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ (1991-2019 ЙИЛЛАР).....   | 165 |
| <b>24. Насырова Саодат</b><br>ПЕРЕВОД ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА<br>КАК ПРОЦЕСС НОРМОТВОРЧЕСКОЙ ПРАКТИКИ В КОНТЕКСТНЫХ МОДЕЛЯХ..... | 172 |
| <b>25. Tursunkulov Sanjar</b><br>TARJIMADA O'ZIGA XOS STILISTIK JIHATLARNING REALIYALAR YORDAMIDA BERILISHI.....  | 183 |
| <b>26. Элова Умида</b><br>“ГАЙАВАТА ҲАҚИДА ҚЎШИҚ” ДОСТОНИ ТАРЖИМАЛАРИДА ЎЗИГА ХОС<br>ХИЛМА – ХИЛЛИКНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ ВА ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ.....               | 190 |

### **Санъат ва Журналистика / Искусство и журналистика / Arts and Journalism**

|  |     |
|--|-----|
| <b>27. Мусаева Нодира</b><br>АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МАНИПУЛЯЦИОН СТРАТЕГИЯЛАР АҲАМИЯТИ..... | 199 |
|--|-----|

### **Лингводидактика ва методика / Лингводидактика и методика / Lingvodidactics and Methods**

|  |     |
|--|-----|
| <b>28. Вохидова Нигора</b><br>ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ<br>РУССКОГО ЯЗЫКА В ГРУППАХ С НЕРУССКИМ ЯЗЫКОМ ОБУЧЕНИЯ.....                    | 204 |
| <b>29. Арзикулова Хуршида</b><br>“СИД” ТРАГИКОМЕДИЯСИ ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ХАЛҚПАРВАЛИГИ.....  | 213 |
| <b>30. Палымбетов Камалбай Сарсенбаевич</b><br>«ҚОБЛАН» ДӘСТАНЫНДА ПАРАЛЛЕЛИЗМЛЕРДИҢ ҚОЛЛАНЫЛЫҰЫ<br>(Қарақалпақ версиясы мысалында).....                             | 220 |
| <b>31. Азимова Сайёра Хусанбоевна</b><br>НУТҚ АКТЛАРИ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯ:<br>“РАД ЖАВОБИНИ БИЛДИРУВЧИ” ИЛЛОКАТЦИОН<br>ҲАРАКАТНИ ПРАГМАТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ..... | 227 |
| <b>32. Шарипова Дилноза Шавкатовна</b><br>РАМЗ ВА МЕТАФОРАНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ.....   | 232 |
| <b>ИЛМ ВА ТАЪЛИМГА БАХШИДА УМР.....</b>  | 239 |

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART


**Абузалова Мехринисо Кадировна,**

Бухоро давлат университети,  
Ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, ф.ф. доктори  
m.q.abuzalova@buxdu.uz

**Аҳмадова Умидахон Шавкат қизи,**

Бухоро давлат университети,  
Ўзбек тилшунослиги кафедраси ўқитувчиси  
Бухоро, Ўзбекистон  
u.s.ahmadova@buxdu.uz

## ПЕРИФРАЗЛАР ВА УНГА ЁНДОШ ҲОДИСАЛАР ХУСУСИДА

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-6-11>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада перифразлар ва унга ёндош бўлган ҳодисалар билан боғлиқ фактик мисоллар келтирилиб таҳлилга тортилган. Перифраза нутқнинг таъсирчанлигини, бадийлигини таъминловчи услубий воситалардан бири ҳисобланиши, у нутққа кўтаринкилик, тантанаворлик, ўзига хослик руҳини бағишловчи, ўринсиз такрорларнинг олдини оловчи, жамият аҳли нутқида бадий гўзал ифодаларни шакллантирувчи восита бўлиб хизмат қила олиши ҳақида фикр юритилган. Маъно кўчишининг метафора, метонимия усули орқали пайдо бўлган перифразларга оид мисоллар келтирилиб таҳлиллар амалга оширилган. Бадий, илмий, сиёсий жабҳаларни қамраб олиши, янгиликларни ўзига хос тарзида ёритиши матний мисоллар асосида изоҳланган, перифрастик ифодаларнинг коммуникантлар нутқида ранг-баранг қўлланилиши ўзбек тилининг кенг қамровли имконияти мавжуд эканлиги билан асосланган.

**Таянч сўзлар:** перифраза, метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, тил, тилшунослик, ўзбек тили, жамият, ижтимоий, Ҳ.Шамсиддинов, А.Абдуазизов, илмий, бадий, публицистик, социал.

**Абузалова Мехринисо Кадировна,**

Бухарский государственный университет,  
Доктор ф.ф., кафедры узбекского языкознания  
Бухара, Узбекистан  
m.q.abuzalova@buxdu.uz

**Аҳмадова Умидахон Шавкат қизи,**

Бухарский государственный университет,  
Преподаватель кафедры узбекского языкознания  
Бухара, Узбекистан  
u.s.ahmadova@buxdu.uz

## О ПЕРЕФРАЗАХ И СОПУТСТВЮЩИХ СОБЫТИЯХ

### АННОТАЦИЯ

В статье приводятся фактические примеры перефразирования и связанных с ним событий. Перифразия является одним из стилистических средств обеспечения эффективности и художественности речи, это форма выразительного выражения в речи публики, которая придает речи дух торжественности, оригинальности, предотвращает ненужные повторения. Анализ проводился с примерами перефразирования метафоры, появившихся методом метафоры и семантики семантического переноса. Освещение художественного, научного и политического аспектов, уникальное создание нововведений объясняется на текстовых примерах, а красочное использование перифразных выражений в речи коммуникаторов основывается на том, что узбекский язык обладает широкими возможностями.

**Ключевые слова:** парафраз, метафора, метонимия, синекдоха, долг, язык, лингвистика, узбекский язык, общество, публика, Х.Шамсиддинов, А.Абдуазизов, научный, художественный, публицистический, социальный.

**Abuzalova Mekhriniso Kadyrova**

Professor of the Uzbek Philology department  
Bukhara State University  
Bukhara, Uzbekistan  
m.q.abuzalova@buxdu.uz

**Ahmadova Umidakhon Shavkat kyzy,**

Teacher of the department of Uzbek linguistics  
Bukhara state university,  
Bukhara, Uzbekistan  
u.s.ahmadova@buxdu.uz

## ABOUT REFRACKS AND RELATED EVENTS

### ANNOTATION

The article provides actual examples of paraphrasing and related events. Periphrasia is one of the stylistic means of ensuring the effectiveness and artistry of speech, it is a form of expressive expression of artistic expression in public speech, which gives the speech a spirit of solemnity, originality, prevents unnecessary repetition. The analysis was carried out with examples of paraphrasing metaphors that appeared using the method of metaphor and semantics of semantic transfer. The coverage of the artistic, scientific and political aspects, the unique creation of innovations is explained by text examples, and the colorful use of peripheral expressions in the speech of communicators is based on the fact that the Uzbek language has wide capabilities.

**Keywords:** paraphrase, metaphor, metonymy, synecdocha, duty, language, linguistics, Uzbek language, public, H.Shamsiddinov, A.Abduazizov, scientific, artistic, journalistic, social.

Тил ўзининг сержило, нозик семаси билан инсон қалбини забт этади ёки буткул вайрон этади. Биламизки, ўзбек тили ўзининг сўзга бойлиги, қўлланиш доирасининг юқориликлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Мана шу юқориликни таъминловчи услубий воситалардан бири перифразалар ҳисобланади. Бугунги кунга келиб жамият аҳлининг барча социал қатламлари доирасида сўзлашувчи шахслар нутқида перифразаларнинг услубий восита куралига айланганлигига гувоҳ бўламиз. Асосан, бадий услубнинг компоненти ҳисобланган перифразалар бугунги давр талаби юзасидан ҳам публицистик, ҳам илмий, ҳам сўзлашув услубларининг бадий-эстетик, эффект берувчи, таъсир қилувчи асосий воситасига айланди. Перифразалар барча тил эгалари нутқида кенг қўлланилади. Ҳар бир қатлам ўз нутқида перифразалардан фойдаланади. Чунки у

нутқимизни безовчи, ўринсиз қайтариқларнинг олдини олувчи, киши руҳияти ва кайфиятини кўтарувчи, масаланинг долзарблигини кўрсатувчи тасвирий ифодадир. Перифразалар, яъни тасвирий ифодалар предмет, воқеа ва ҳодисаларни ўз номи билан эмас, балки унинг характерли белги хусусиятларини тасвирий усул орқали ифодалаш жараёни ҳисобланар экан, куйидаги фактик мисоллар асосида фикримизга ойдинлик киритамиз. Масалан: Барака манбаларидан бири ҳисобланмиш чорва, Когон туманида ҳам чорвачиликка ихтисослашган мавжуд ўн тўққизта фермер хўжаликларида 808 бош қорамол ва 1393 бош майда шохли моллар парвариш қилинмоқда (“Адолат нури”, 2009, 20 февраль); Шу кунларда мамлакатимиз бўйлаб бахтимиз пойдевори конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда (“Халқ сўзи”, 2012, 6 декабрь); Бағри оташ мўжиза ёхуд тандир ҳақида билган ва билмаганларимиз... (“Адолат кўзгуси”, 2014, 2 октябрь); Баркамол авлодни тарбиялашда келажак бунёдкорлари бўлмиш устозларнинг фидокорона меҳнатлари бугун ўз самарасини бермоқда (Ўзбекистон телеканали, Ахборот информацион дастурининг шарҳловчиси Дилноза Муҳаммедова нутқидан. 27.09.2015). Келтирилган ушбу далилий мисоллар таҳлил қилинар экан “Публицистик тасвирий ифодаларнинг қисқача изоҳли луғати”да ҳам ўз ифодасини топган [2, 47].

Тилшунос олим Ҳаким Шамсиддинов перифраза ва унга ёндош бўлган ҳодисалар тўғрисида “Перифраза нутқнинг ранг-баранглигини, таъсирчанлигини, бадийлигини, таъминловчи услубий воситалардан бири ҳисобланади. Маълум жиҳатлари билан мазкур ҳодиса ўхшатиш, метафора, метафорик эпитет каби бадий тасвир воситалари билан бир қаторда туради” [6, 29] деган мулоҳазаларини билдирар экан, ҳақиқатдан ҳам, перифразаларнинг сўзлар маъносини бадийлик ва таъсирчанлик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда турли усулларда кўчишидан ҳосил бўладиган турлари ҳам мавжуд эканлигини куйидаги перифрастик ифодаларда кўриш мумкин. Масалан: оқ олтин – пахта (метафора), ғазал мулкининг султони – Навоий (метонимия), чарм қўлқоп устаси – боксчи (синекдоха), фазогир – космонавт (вазифадошлик) каби мисоллар қаторини давом еттириш мумкин. Куйида маъно кўчишининг метафора усули орқали пайдо бўлган перифразаларга оид мисоллар келтириб таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Бир нарса номининг иккинчи нарсага шакл, ранг ва бошқа бирор жиҳатдан ўхшашлиги асосида кўчирилиши метафора (грекча *metaphora* – “кўчма ном, кўчириш”) деб аталади [1, 79]. Масалан, само лочини – учувчи, денгиз ҳокими – кит, сахро кемаси – туя, чўл балиғи – калтакесак, ҳайвонлар подшоҳи – шер, дала маликаси – маккажўхори, олтин бошоқ – буғдой, ўрмон маликаси – арча, ернинг ёпинчиғи – осмон, кўкнинг фонуси – ой, кумуш чойшаб – қор, осмоннинг кўз ёшлари – ёмғир, қора олтин – нефт, дунё томи – Помир, зангори экран – телевизор, пўлат от – трактор, пўлат қуш – самолёт, оқ чашма – сут. Ушбу перифразалар сўзларнинг метафора асосида кўчишидан ҳосил бўлган. Кўкнинг фонуси перифразасини мазмуний жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, “Ой кечани чароғон қилиб турибди” дейилса, сўзловчи томонидан етказилаётган нутқ, маълум бир даражадаги оддий нутққа айланади. Мана шундай оддийликдан, таъсирсиз нутқдан, ўринсиз жумлалардан воз кечиш мақсадида ҳам доно халқимиз ўзбек тилининг ўзига хос имкониятларидан фойдаланиб, перифразаларни яратган. “Кўкнинг фонуси кечани чароғон қилиб турибди” дейилса, ифода таъсирли, эмоционал бўлади. Бундан ташқари перифразалар плеоназмнинг олдини олади, ҳам такрорлардан асрайди, ҳам нутқни кўркам қилади. Вақт, давр, замон имконият ва янгиликларига қараб турфа перифразалар ҳосил бўлади. Масалан пўлат от, яъни трактор эллигинчи йилларда вужудга келган бўлса, само лочини, зангори экран каби метафорик перифразалар эса ундан ҳам кейин, тахминан, XX асрнинг 70–80 йилларида тилимизда пайдо бўлган. Техника қироли, виртуал олам, аср мўъжизаси, ақлли машина каби перифразалар эса XI аср яратмалари сифатида вужудга келган дейиш мумкин. Даставвал вужудга келган перифразалар янгилари яратилганлигидан сўнг истеъмолдан чиқмайди, уларнинг яралиши ва қўлланилиши чегараланмаган. Аксинча, нутқ бирлигидан тил бирлигига айланади.

Ҳар қандай перифразада кўчим мавжуд бўлади. Бир нарса номининг иккинчисига кўчирилиши улар ўртасидаги ҳақиқий алоқанинг мавжудлигига асосланса, у метонимия (грекча *metonymia* – “қайта номлаш”) дейилади [1, 80]. Нутқда маъно кўчишининг метонимия усули орқали пайдо бўлган перифразалар ҳам тез-тез қўлланилади. Масалан, Наманган гулларга бурканган шаҳар саналади, ҳар турли ва жуда кўп гуллар экилади. Мана шу гуллар асос қилиб олиниб “гуллар шаҳри” перифразаси ҳосил бўлган. Яъни, гуллар ва Наманган орасида маълум алоқадорлик мавжуд. Қуйида метонимия ҳодисаси орқали ҳосил бўлган перифразаларга оид мисоллардан намуналар келтириб, таҳлил қиламиз: Ақл-заковат тимсоли – Платон, Бахт ва шодлик куйчиси – Ҳамид Олимжон, Буюк ҳақим – Ибн Сино, давлат болалари – етим болалар, илм заҳматқашлари – олимлар, ишқ куйчиси – Машраб, мавжудотлар султони – инсон, мўйқалам соҳиблари – рассомлар, ожиза – аёл, оқ олтин ижодкорлари – пахтакорлар, осойишталик посбонлари – ички ишлар ходимлари, оқ чашма соҳиблари – сут соғувчилар, саломатлик посбонлари – шифокорлар, яйлов баҳодирлари – чўпонлар, ғазал мулкининг султони – Алишер Навоий, қалам аҳли – ижодкорлар, Нон шаҳри – Тошкент, Гуллар шаҳри – Наманган, алоқа воситаси – тил, ҳақиқат кўрғони – суд, қалам ҳақи – гонорар. Ушбу келтирилган мисоллар метонимия асосида ҳосил бўлган перифразалардир. Келтирилган мисолларда шахс номларини, ўрин-жой номларини ифодаловчи перифразаларнинг миқдори кўпроқ. Бу эса перифразалар мавзусининг ҳам серқирра эканлигидан далолатдир.

Тилимизнинг имкониятлари жуда кенг бўлиб, бир тушунчани бир неча йўллар орқали ифодалаш мумкин. Зеро, когнитив нуқтаи назардан метафорик ҳамда метонимик образлар ментал жараёнларни, миллий, гуруҳий ва шахсий ўзини-ўзи англаш фаолиятини тадқиқ қилиш усулидир. Ўзбек халқи маълум тушунчани чиройли, тасвири қилиб ифодалаш йўлларини топа олган. Перифразалар маълум тушунчани ифодалашдан ташқари кўшимча ижобий маъно ҳам юклайди, бу уларда прагмасема мавжудлигини исботлайди. Дейлик, ёмғир сўзининг ўрнига осмоннинг кўз ёшлари тасвирий ифодаси қўлланганда фикр анча таъсирчан, эмоционал чиқади.

Ижод аҳли она тили имкониятларидан фойдаланиш ва баъзан уни кенгайтиришда дақиқона изланишади. Инжулар тизмасидек жилоланган она тили луғат бойлигини ботиний кўз билан кўра олган қалам усталари “кўзлари қамашган ҳолда” ҳар бир сўзни чертиб-чертиб танлашади, сўз танлашдек оғир жараёндаги машаққатларга дуч келиб, тафаккур “тарозуси”да ўлчашади. Дарҳақиқат, перифраза билан айтилган фикр таъсирчан, образли бўлар экан, бадий асарларда қаҳрамонлар нутқида кенг қўлланилишини кузатиш мумкин. Бундай перифрастик ифодалар эса ижодкорнинг бадий маҳорати ҳисобланиб, яратилажак асарнинг янада бадий-эстетик қимматини оширувчи бирлик бўлиб хизмат қилади. Масалан, “Туш ўтди. Тонг отди – Ҳожи уйғоқ. Кўзида ҳаёт ва севинч нури, қалбида қизининг соғинчи. Эрталаб жойнамоз устида тўрткўз тугаллиги билан дийдор кўрсатишини дуо қилди” [8, 70]; Меҳрибонлик муҳаббат элчиси, деб билган Қоплонбек читтак чаққонлиги билан ўрнидан туриб, унга пешвоз чиқди [8, 112]; Эртага ишдан қайтгач, ўтиргиси келар, бироқ унинг гапларини жон қулоғи билан тингловчи, ютуғидан манун бўлувчи, омадсизлигидан ташвишланувчи меҳр эгаларининг кўзу кулоқларига тупроқ тўкилган бўлади [3, 123].

Таҳлилга тортилган барча мисоллар перифразаларнинг метафора ва метонимия кўчим турлари асосида шаклланганлигини кўрсатувчи далилий намуналардир. Перифразалардаги ўзига хослик, ижобий, эмоционал маъно қирралари нотикни сўзамолликка, тингловчини эса фалсафий мушоҳадага ундайди, ўқувчи ва китобхонга таъсир этмасдан қолмайди. Олима Д.Шодмонова таъкидича, “замонавий фан барча ақлий қобилият, ижод ва образли фикрни метафорик тафаккур ва метафорик билимга боғлайди. Когнитив жараён давомида субъект ўз хотираларини ишга солади, кўпинча мантиқан бир-биридан йироқ икки референтни аниқлаб, улар ўртасида маъновий алоқани вужудга келтиради – метафорани ҳосил қилади. Ўз-ўзидан, тафаккур тарзи нутқда ўз ифодасини топади: муаллиф метафорани, бошқача айтганда, тил образини яратади, у билимлар замирига қурилади” [7]. Ҳар бир тилнинг луғат таркиби



устада олиб борилган ишлар шуни кўрсатадики, сўз маъноларининг ўзгариши тасодифий бир ҳол бўлмай, балки жамият тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ қонуний ҳодисадир. Жамият тараққиёти натижасида вужудга келган янги предмет, тушунчалар ҳар доим ҳам янги сўзлар орқалигина ифодаланмай, балки предметнинг маълум белги хусусиятлари, ўзига хос томонларини очиб берувчи сўз маънолари орқали ҳам тасвирланади. Шунга кўра, сўз маънолари кўчади, кенгайди ёки тораяди. Сўз маъноларининг кенгайиши ва кўчган ҳолда қўлланиши тилнинг, айниқса, луғат таркибининг бойлигини оширувчи омиллардан биридир. Сўзларни кўчма маънода қўллаш луғат бойлигини кўрсатувчи, услуб равлонлиги, ифода мазмундорлигини таъминловчи, образлилик яратишга хизмат қилувчи муҳим воситадир.

Перифраза (тасвирий ифода)лар ёндош ҳодисалар қаторида ўрганилиб, таҳлилга тортилиши масаласига ойдинлик киритар эканмиш, шу билан бир қаторда уларнинг қайси сўз туркуми доирасида қўлланилаётганлиги ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак. Перифразаларнинг туркуми у англистик келган сўзга қараб белгиланади. Масалан, қанотли дўстлар – кушлар, меҳрибонлик олиҳалари – ҳамширалар, Қадимги Римнинг султони – Юлий Цезар, Нафосат олиҳаси – аёл назарда тутилиши орқали унинг от сўз туркуми доирасида қўлланилаётганлигига гувоҳ бўламиз.

Перифразаларда ҳам омонимлик, ҳам синонимлик хусусиятлари мавжуд бўлиб, қуйидаги мисоллар орқали фикримизни асослаймиз. Масалан, ақл гимнастикаси – 1) математика; 2) шахмат; қора олтин – 1) нефт; 2) кўмир. Келтирилганларда омонимлик хусусияти мавжуд бўлган бу каби перифразаларда икки хил маънони ифодалай олиш ҳолати кузатилиб, айнан қайси сўз ўрнида қўлланганини матндан билиб олиш мумкин.

Ғазал мулкининг султони, ўзбек тилининг асосчиси, занжирбанд шеър, шеърят мулкининг султони, ўзбек адабий тилининг асосчиси – Алишер Навоий; уйғониш фасли, фасллар келинчаги – баҳор каби маънодошлик муносабатида турган перифрастик мисоллар нутқнинг ранг-баранглигини таъминловчи услубий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, фикримизни янада мукамал асослаш мақсадида мисоллар доирасини кенгайтириб таҳлилга тортамыз. Жумладан, буюк сиймолардан яна бири “Имом ал-Бухорий” шахсига нисбатан матбуот воситаларида, кишилар нутқида синонимия ҳодисаси мавжуд бўлган қуйидаги перифраза (тасвирий ифода)лар қўлланилади. Имом ал-Бухорий – ислом оламининг буюк олими, беназир файласуф, муҳаддислар султони, оламшумул аллома каби перифразалар тингловчи, эшитувчи диққатини тортиш мақсадида нутқда қўлланилиб келиниши масаланинг долзарблигини ташкил қилинилаётганлигидан далолатдир: Ислом оламининг буюк олими, беназир файласуф Имом ал-Бухорий жаҳон маданияти ва маънавиятига улкан ҳисса қўшган улўғ ватандошимиз ва бобокалонимиз эканлигидан ҳар қанча ифтихор этсак арзийди. Оламшумул аллома томонидан тўпланган ҳадислар ҳозирга қадар энг ишончлилари ҳисобланади (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2017 йил, 14 апрель); Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равланқ топтиришга қўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритганда, энг аввало, ҳақли равишда мусулмон олами “муҳаддислар султон”и дея улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз [5, 38].

Қуйида публицистик услубнинг бир унсури саналган перифразавий синонимларга оид мисолларни келтириб таҳлилга тортамыз. Жумладан, ўрин-жой маъносини ифодаловчи “оила” сўзининг маънодошлик қатори оммабоп услубда қуйидагича ифодаланган. Масалан, Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш учун мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий замин ва самарали механизм яратилиб, ижтимоий муҳофазанинг жамият ўзаги бўлмиш оилага қаратилгани унинг асосий хусусиятидир [4, 41]; Бахт кўрғони бутлигига барча масъул, оилаларнинг мустаҳкамлиги жамият фаровонлигини таъминловчи муҳим омиллардандир (“Маҳалла”, 2017 йил, 10 январь). Бунда бир неча перифраза (тасвирий ифода) бир сўзнинг ўрнида кела олади. Перифразаларда прагматик сема мавжуд бўлиши нутқнинг янада бадийлашиши, кенг ва ижобий маъно ифодалашини кўрсатади. Масалан, қанотли дўстлар перифразасида нафақат кушлар ҳақида, балки уларнинг яхши фазилати – инсоннинг дўсти эканлиги хусусида ҳам маълумот берилаётганини кўрамыз. Қуш сўзининг ўзида эса бундай

прагматик сема учрамайди. Ёки оқ халатли фидойилар перифразасида ҳам шифокорлар назарда тутилар экан, бу билан уларнинг заҳматкашлиги, нафақат дори-дармон билан, балки ширин сўзи билан ҳам бемор дардига шифо улашувчи касб эгаси эканлиги ҳақида маълумот бериляпти. Шунинг учун ҳам перифразалар нутқимиз кўрки ҳисобланади.

Номинативликка эга перифразаларни ўрганиш ва кузатиш шуни кўрсатдики, жамият турмуши кенг акс этадиган, янгидан янги тушунчаларни ифодалаш ва етказишда асосий кўмак воситаси бўлган мазкур лингвистик ҳодисани кенгроқ таҳлил ва тадқиқ қилиш мавзунинг долзарблигидан далолат беради. Сўзлар гапда ўз ҳолича келтирилмай, шу сўзга мос перифраза (тасвирий ифода) билан алмаштирилса маъно таъсирчан, ифодали, бўёқдор ҳолда тингловчиларга етказилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир сўз халқ тили, кўнглига яқин бўлса, у осон ва тез сингади. Сўзларнинг қўлланиш доираси ва имконияти чексизлиги ҳам илмий, ҳам бадий, ҳам сўзлашув, ҳам публицистик услуб материалларида ўз аксини топар экан, бу ўзбек тилининг кенг қамровли имконияти мавжуд эканлигидан далолат беради. Кенг илм, жамоат аҳли, ўқувчилар оммаси нутқида тилимизнинг сермазмун ва гўзал ифодаси ўз аксини топиб, сайқаллашиб бораверади. Шундай экан, ҳар бир соҳа вакили хоҳ у журналист, хоҳ сиёсий шарҳловчи, хоҳ педагог, хоҳ деҳқон, хоҳ ҳуқуқшунос бўлсин, жамиятнинг барча вакили нутқида перифраза (тасвирий ифода)лардан самарали фойдаланиб келинаётганлиги уларнинг маълумотларни таъсирли ва аҳамиятли, тез ва осон етказиб беришдаги ўрни бениҳоя катта эканлиги билан белгиланади.

## Адабиётлар

1. Абдуазизов А.А. Тилшунослик назариясига кириш. –Тошкент: Fan va texnologiya, 2010. – 213 б.
2. Абузалова М.К., Аҳмадова У.Ш. Публицистик тасвирий ифодаларнинг қисқача изоҳли луғати. –Тошкент: Наврўз, 2016. – 37 б.
3. Тоҳир Малик. Шайтанат. – Тошкент: “O`qituvchi”, 2018. 2-жилд. – 735 б.
4. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. –522 б.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2009. –173 б.
6. Шамсиддинов Ҳ. Перифраза хусусида айрим мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1993, – № 4. – Б. 29 – 35.
7. Шодмонова Д. Абдулла Орипов шеърятининг лингвопоэтик хусусиятлари (метафорик ҳодисалар мисолида) //филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Қарши, 2019. – 138 б.
8. Шухрат. Жаннат кидирганлар. – Тошкент: Қалдирғоч, 2018. – 375 б.

**СЎЗ САНЪАТИ**  
**ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**  
**6 СОН, 3 ЖИЛД**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ**  
**ИСКУССТВО СЛОВА**  
**НОМЕР 6, ВЫПУСК 3**

**INTERNATIONAL JOURNAL**  
**OF WORD ART**  
**VOLUME 6, ISSUE 3**